Ушбу сонда:

2 ҚАЛҚОН БОР, ҚАЛЪА БУТ, ҚЎРҒОН САЛОМАТ

3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА

4 *Касаба уюшма жонкуярлари* ОДАМЛАР ДЕБ ЯШАЙДИ ОДАМ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 14 январ, жума № 8 (1849)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сиз, азизларни, ўзини она юрт ҳимоясидек олижаноб ишга бағишлаган барча инсонларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни билан муборакбод этиш менга катта мамнуният етказади.

Биз мустақил тараққиётимизнинг тарихан қисқа даврида очиқ демократик давлат қуриш, жамиятни янгилаш, одамларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган эркин иқтисодиётни барпо этиш борасида салмоқли йўлни босиб ўтдик.

Истиқлолимизнинг биринчи кунларидан бошлаб биз замон талабларига жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга бўлган миллий армияни шакллантиришгина ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш, халқимизнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва осойишталигини, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш имконини беришини ўзимизга аниқ англаб олдик.

Шу давр мобайнида юртимизда ихчам, замонавий, ҳар қандай синовларни енгиб ўтишга қодир, бутунлай янгича асосларда ташкил этилган ва стратегик мақсадларимизга мос келадиган Қуролли Кучларимизни яратиш бўйича ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган, узоқни кўзлайдиган улкан ишлар амалга оширилди.

Қуролли Кучларимизни барпо этиш ва ташкил қилишнинг мутлақо янги концепцияси ишлаб чиқилди ва ҳаётга изчиллик билан жорий этилмоқда, муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, ҳар томонлама таъминланган нуфузли сержантлар мактабларининг фаолияти йўлга қўйилди, амалда ўзини оқлаган, сафларида минг-минглаб ёшларимиз ўз йигитлик бурчини ўтаётган сафарбарлик-чақирув резерв хизмати ташкил этилди.

Энг муҳими, халқимизнинг армияга бўлган муносабати тубдан ўзгарди, Қуролли Кучларнинг жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётидаги роли, ўрни ва моҳияти мустаҳкамланди, уларнинг молиявий таъминоти сезиларли даражада яхшиланмоқда.

Армиямизнинг бугуни ва келажагини ўйлаб қилаётган барча ишларимизнинг натижаси ва якуни сифатида ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда кун сайин обрў-эътиборли касбга айланиб бормоқда. Ва бугун биз бу ҳақда ғурур ва ифтихор билан гапиришга ҳақлимиз. Ҳозирги кунда дунёда бизнинг юртимиздаги каби муддатли хизматга чақирув ва шартнома-контракт бўйича хизмат танлов асосида ўтадиган мамлакатнинг ўзини топиш қийин.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафларида она Ватанимиз манфаатларига садоқатли, сарҳадларимизни, муқаддас заминимиздаги тинч ва осойишта ҳаётни кўз қорачиғидек асраш каби шарафли бурчни ўз зиммасига олган энг муносиб ўғил-қизларимиз хизмат қилмоқда.

Қадрли ватандошларим!

Ҳозирги таҳликали замонда биз қандай мураккаб вазиятда яшаётганимизни, инсонийлик қиёфасини тамоман йўқотган халқаро терроризм балоси минтақамиз ва бутун дунё учун қандай таҳдид, қандай хавф-хатар туғдираётганини барчамиз яхши англаймиз. Бундай ҳолатда доимо ҳушёрлик ва огоҳликни сақлаш, ҳар биримиз учун ўз уйимизни, она Ўзбекистонимиздаги тинчлик ва барқарорликни асраш ва ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз ва бутун минтақа хавфсизлигига таҳдидлар сақланиб турган ҳозирги шароитда бизнинг вазифамиз – Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш борасида бошлаган ишларимизни давом эттириш, бунинг учун янги имконият ва манбаларни излаб топиш ҳамда сафарбар этишдан иборатдир.

Шу мақсадларда:

***Биринчидан,** бугунги кунда мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган мавжуд хавф-хатарларни янада чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил этишимиз лозим.*

Бундай хавф-хатарларни бартараф этиш учун уларга муносиб зарба беришга қодир, бизнинг ҳудудимизга, одамлар тинчлиги ва осойишталигига зиён етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган, пухта ишлаб чиқилган стратегия ва тактикани такомиллаштириш зарур. Ва, энг аввало, халқаро террорчилар ва уларни йўллаётган марказлар томонидан содир этиладиган Қуролли хуружларни бартараф этиш ва уларга олдиндан зарба беришга доимо тайёр туриш керак.

***Иккинчидан,** Қуролли Кучларнинг ташкилий тузилмаси ва бошқарувини такомиллаштириш бўйича олиб бораётган ишларимизни изчил давом эттириш лозим.*

Бу борадаги ўта муҳим вазифа – эҳтимол тутилган жанговар ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусият ва шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда, бутун мудофаа тизимида иштирок этадиган барча қўшин турларининг биргаликда, ўзаро мувофиқ равишда, аниқ ва қатъий ҳаракат қилишини тўла таъминлашга эришишдан иборат.

***Учинчидан,** олий ҳарбий ўқув юртлари ва сержантлар мактабларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ишларини охирига етказиш. Ушбу муассасаларни юксак малакали, амалий тажрибага эга бўлган офицер ва ўқитувчилар билан ҳамда биринчи навбатда энг замонавий ўқув қуроллари ва янги техника билан таъминлашни назарда тутиш даркор. Бу вазифага армиямизни профессионал асосга ўтказишнинг муҳим бўғини ва шарти сифатида ёндашиш зарур.*

***Тўртинчидан,** Қуролли Кучларимизни замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан жиҳозлаш масаласига армияни ислоҳ қилишнинг ўта муҳим ва устувор вазифаси деб қараш лозим. Бунинг учун барча зарур манбаларни излаб топиш, шу жумладан, манфаатдор ҳамкор давлатлар кўрсатиши мумкин бўлган ҳарбий-техник ёрдамдан самарали фойдаланиш лозим.*

***Бешинчидан,** оддий аскарлар, сержант ва офицерларнинг яшаш ва хизмат шароитларини ижтимоий-маиший нуқтаи назардан тубдан қайта кўриб чиқиш ва яхшилаш, уларнинг машаққатли ҳарбий меҳнатига тўланадиган иш ҳақи миқдорини ошириш учун қўшимча манбаларни қидириб топиш даркор.*

Эски, номақбул казарма муҳитига батамом барҳам бериш, муддатли ва контракт хизмати, офицерлик ҳамда қўмондонлик таркиби хизматларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш ва дам олишлари учун муносиб шароитларни таъминлайдиган янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш вақти келди.

Ҳарбий хизматчилар учун шу йилнинг бошидан янги, янада такомиллашган ва юқори қувватли овқатланиш рациони жорий этилмоқда. Бу ўз навбатида армиямизнинг ёшларимиз учун мардлик ва ватанпарварлик мактаби бўлиш билан бирга, уларнинг жисмонан бақувват, маънавий етук бўлиб вояга етиши, умуман жамиятимиз аъзоларининг соғлом бўлиши учун хизмат қиладиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериш йўлида биринчи қадам бўлмоғи керак.

Бу борада менинг ўз олдимга, Қуролли Кучларимиз олдига қўядиган асосий мақсад шундан иборатки, ҳарбий ва армия хизматини ўтаган ёшларнинг барчаси ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом, интеллектуал жиҳатдан етук, ҳаётдаги ўз ўрнини аниқ белгилаб олган, ҳар томонлама ишончли инсонлар бўлиб етишсин. Токи, ота-оналари улар билан фахрлансин, кичик фарзандларимиз улардан ўрнак олсин, Ўзбекистоннинг гўзал қизлари эса улар билан ўз тақдирини боғлашни орзу қилсин.

Бугунги қутлуғ байрам кунида Ватанимизнинг барча ҳимоячиларига мурожаат қилиб, қатъий ишонч билдираманки, Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимизнинг муқаддас сарҳадлари, оналаримиз, умр йўлдошларимиз ва опа-сингилларимизнинг осойишта ҳаёти, болаларимизнинг келажагини, саховатли заминимиз ва мусаффо осмонимизни бундан буён ҳам мардона туриб ҳимоя қилади.

Сиз, азизларни, оила аъзоларингиз ва яқинларингизни Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан яна бир бор табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, хизматингизда муваффақиятлар, шахсий ҳаётингизда фаровонлик, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитини шоду хуррамлик билан ўтказиш халқимизнинг азалий анъаналаридан экани, ушбу сананинг жамиятимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши ва «Сиҳат-саломатлик йили»да инсонларда руҳий-маънавий, жисмоний поклик сифатларини шакллантиришдаги аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам -Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 2005 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 21 январга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг қарори эътироф этилсин ҳамда 21 январ куни мамлакатимизда дам олиш куни деб эълон қилиниб, байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 12 январ

САФАРБАРЛИК ЧАҚИРУВИ

резервидаги хизмат батальонида

Шундай стадионнинг ёнида яшаганлари учунми, Искандар болаликдан қопток тепиб кунни кеч қиларди. Шунчаки эмас, жон-жаҳди билан футбол ўйнарди. Албатта, болакайнинг чаққон ҳаракатлари, спортга бўлган иштиёқи катталар эътиборидан четда қолгани йўқ. Уни аввал мактаб, кўп ўтмай тумандаги ўқувчилар футбол командасига қабул қилишди. Ўшанда мактабларарО, туманларарО мусобақаларда ўзидан 2-3 ёш катталар билан тенг тўп сурарди. Ҳатто севимли командалари вилоят кубогини қўлга киритиб, ғолиб бўлишгани асло хотирасидан чиқмайди. Ахир, ўшанда унга – 14 ёшли спортчига футбол бўйича 1-разряд беришган эди-да!

Хуллас, ўсиб келаётган ёш спортчининг порлоқ келажагига нафақат ота-онаси, балки бошқалар ҳам катта ишонч билан қарашарди. Аммо 8-синфни муваффақият билан тугатган Искандар бутунлай бошқача йўл тутди. Болалик орзуси ғолиб келди.

– Отажон, ўқишимни ҳарбий лицейда давом эттирмоқчиман, - деди у Равшан акага бир куни.

Тўғриси, отаси ҳам, онаси Алия опа ҳам тўнғич ўғилларининг бу қарорини ўткинчи бир истак сифатида қабул қилишди.

– Майли уриниб кўр, лицейда қайтага ҳарбийча интизомга кўникасан, аскарликда асло қийналмайсан, - деди отаси хотиржамлик билан.

Шашти баланд ёш спортчининг билим даражаси ҳам юқори эди. Лицейга ўқишга кирди. Ҳарбийча тартиб-интизом, жанговар ҳаёт, хилма-хил машғулотлар унинг ақлий, руҳий-маънавий томондан шаклланишига замин яратди.

Ўтган икки йил ичида отаси айтганидек, малакали аскарга айланиб қолган Искандарнинг касб танлаш борасидаги орзуси ҳам аллақачон шаклланиб улгурган эди. Шунинг учун у ҳарбий лицейни битириш арафасида отасига ниятини билдирди.

– Агар қарши бўлмасангиз, ҳарбий билим юртига ҳужжат топширраман.

Очиғини айтганда, бу гап Равшан ака учун янгилик эди. Аввалига нима дейишини билмай, ўғлига синовчан назар билан бирпас қараб турди, сўнг аяб гапирди, суйиб гапирди, кўнглидаги гапларни яширимасдан шартта-шартта айтди.

– Ўғлим, мана ўзинг биласан, Мудофаа ишлари бошқармасида молия бўлимига ўтганимдан бери ҳарбий соҳанинг машаққатларини кўриб юрибман. Очиғи, унча-мунча одам офицерликка чидамайди. Агар ўз кучингга, имкониятингга сал бўлса-да ишонмасанг бир кун келиб, қийналиб қолдим, бу касб оғир экан, дейдиган бўлсанг, ҳозирданоқ бу фикрингдан қайт. Жисмоний тарбия институтига... Яхшиси, ўзим ўқиган молия институтига ҳужжат топширгин. Омадинг келса, албатта ўтиб кетасан... Ота барибир ота-да. Ўғлининг қарашларидан, кўзларидан насиҳатларни унга оғир ботаётганини, ғурурига тегаётганини ҳис қилди. Ҳафа бўлмади, қайтага хурсанд бўлди. Шундай бўлса-да, синчиклаб яна бир бор сўради:

– Аҳдинг қатъийми, ахир?! Сўзингдан қайтмайсанми?

– Худди шундай! Асло! - дея ҳарбийчасига аниқ, қисқа жавоб берди Искандар.

Бу жавобдан сўнг Равшан аканинг ичи чироқ ёққандек ёришиб кетди. Меҳр билан ўғлининг елкасидан қўйди.

Тўғри-да катта орзу-умидлар билан вояга етказган суянчиғинг, эзгу ишларингни давом эттирувчи фарзандинг энг фахрли касбни танласа, Ватан, халқ посбони, ҳимоячиси бўламан, эл-юртнинг тинчлиги, осойишталигини сақлайман деса суюнмай бўладими, ахир?!

(Давоми 2-бетда)

ШОНЛИ БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизда 14 январ - Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланмоқда.

13 январ куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ана шу шонли санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мудофаа вазири Қ.Ғуломов шонли сана ҳақида маъруза қилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий талаб ва андозаларга мос Қуролли Кучларимизнинг барпо этилиши, миллий армиямизнинг вужудга келиши истиқлол йилларида эришган муҳим ютуқларимиздан бири экани алоҳида таъкидланди. Зеро, миллий армиямиз - мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир.

Юртимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашга, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлашга, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаа ва техника билан таъминланган, ихчам ва ҳаракатчан, тамоман янги миллий армиямиз ҳақли равишда халқимизнинг фахр-ифтихорига айланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов Ватан ҳимоячиларини анъанавий байрам билан самимий табриклади.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 12 январдаги Фармонига мувофиқ Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Йиғилишда Ватаннинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан катта лейтенант И.Қурбонов ва старшина А.Иброҳимов ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида уч босқичдан иборат танлов ўтказилди. Биринчи босқич ҳарбий қисмлар, иккинчи босқич ҳарбий округлар бўйича ва учинчи босқич Қуролли Кучлар миқёсида ташкил этилди.

Танлов "Энг илғор сержант", "Энг илғор гуруҳ командири", "Энг илғор взвод командири" ва "Энг илғор батальон командири" йўналишлари бўйича ўтказилди. Йиғилишда ана шу танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Байрам тадбирида санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти намойиш этилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев қатнашди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

САРДОБАГА ГАЗ КЕЛДИ

Қоровулбозор тумани Ўзбекистон ширкат хўжалигидаги Сардоба қишлоғи аҳолисига янги йил ўзгача совға олиб келди. Жорий йилнинг илк кунларидан бошлаб қишлоқдаги ҳар бир хонадонга зангори олов кириб келди.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Нормурод Аҳмедовнинг таъкидлашича, жорий йилда ҳам аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилади. Яқин кунларда 145- темирйўл разъездида яшовчи аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишади. Қувурларни ётқизиш ва монтаж қилиш ишлари ниҳоясига етиб қолди.

"Туркистон-пресс"

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Кенг кўламдаги иктисодий-ижтимоий ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги кунда мамлакатимиз фуқаролари, қолаверса, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий билим ва савиясини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Зотан, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Токи жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислохот ҳақидаги сўзларимиз, саъй-ҳаракатимиз бесамар кетаверади».

ИШЧИ МУШКУЛИ ОСОН БЎЛДИ

Бугунги кунда тармоқ касаба уюшма вилоят қўмитамиз ўз атрофига 262 минг нафардан ортиқ кишини бирлаштирган. Улар 32 та ҳудудий тармоқ келишуви ҳамда 529 та жамоа шартномаси орқали иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланмоқда. Албатта, юқорида таъкидланганидек, қайси соҳада меҳнат қилишидан қатъи назар, ҳар бир меҳнаткаш энг аввало ўз ҳақ-ҳуқуқларини пухта билиши, уни ҳимоя қила олиши лозим. Ана шундагина кутилган натижага эришиш осон кечади. Шу боис соҳа меҳнаткашлари ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш мақсадида бир қатор диққатга сазовор ишларни амалга оширяпмиз. Бу борада турли жамоат ташкилотлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорлик муҳим рол ўйнаяпти. Алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган 2004 йил бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимиз, амалга оширган ишларимиз ниҳоятда самарали бўлди. Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари, ҳуқуқшуносларнинг иштирокида жойларда 12 та ҳудудий ўқув-семинари зўр уюшқоқлик билан ўтказилди. Ҳуқуқий саводхонликни юксалтириш мақсадига йўналтирилган бу тадбирлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Бундан ташқари, турли байрамлар муносабати билан ташкил қилинган ўнлаб ўқув машғулотлари, семинарлар ҳамда «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» деб номланган кўрик-танловларда ҳам меҳнаткашлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб топишди.

Шу ўринда, афсус билан айтиш керакки, вилоятимизда кўпгина корхона ва ташкилотлар, ширкатлар ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарларининг амалдаги қонун талабларини билмаслиги ёхуд меъёрий ҳужжатларга риоя қилмаслиги меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир. Биргина ўтган йилнинг ўзида тармоқ қўмитамизга келиб тушган аризалар ҳам бу фикримизни исботлаб турибди. Агар шу вақт ичида 300 га яқин ёзма, 500 га яқин оғзаки мурожаатлар қилинган бўлса, уларнинг аксарияти ноқонуний ишдан бўшатиш, товон пулларини тўлаш, ўз вақтида иш ҳақи ва нафақа билан таъминлаш тўғрисидадир. Меҳнаткашларнинг ушбу мурожаатлари қўмита ходимлари томонидан ўз вақтида чуқур ўрганиб чиқилди, тегишли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Мисолларга мурожаат қилсак. Жарқўрғон туманидаги Т.Шобуров номли ширкат хўжалиги аъзолари Г.Жумаева ва Х.Абдимуродовалар ўз шикоят хатларида турмуш ўртоқлари иш пайтида бахтсиз ҳодиса туфайли ҳаётдан кўз юмганликлари, шунга қарамасдан шу кунгача товон пулини ололмаганликлари ҳақида куюниб ёзишган. Термиз туманидаги «Янгиариқ» ширкат хўжалигидан Г.Турдимурова ҳам айни шунга ўхшаш масала бўйича ёрдам сўраган. Уларнинг бу ҳақли эътирозлари ширкат хўжаликлари раҳбарлари иштирокида чуқур ўрганиб чиқилди. Товон пули тўлаш, вояга етмаган фарзандларига нафақа тайинлаш тўғрисида мутасадди иш берувчиларга тақдимнома киритилди.

Денов туманида жойлашган Жанубий Ўзбекистон тажриба станцияси ишчилари Д.Холмирзаева ҳамда У.Норбоевалар адолат тикланишини сўраб, ўнлаб идоралар эшигида кўп вақт сарғайишди. Бироқ муддаолари мурод ҳосил этмади. Охир-оқибат ўз вазифаларига тикланишлари учун касаба уюшмаларидан кўмак сўрадилар. Тармоқ қўмитамиз аралашуви билан бу иш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига аппеляция шикояти киритилди. Ва ниҳоят, адолат тикланди. Д.Холмирзаева ва У.Норбоева суд ажрими билан ўз вазифаларига тикланди. Шунингдек, «Боботоғ» ўрмон хўжалиги ходимлари Г.Эшбоев, А.Мелиқулов, Э.Бегимқулов, Х.Мелиқулов, «Бойсунқишлоқхўжаликкимё» филиали ишчиси С.Жабборова ҳамда «Ангорпахта» ОТҲЖ ходими С.Усмонов кабиларнинг ҳам касаба уюшма аралашуви билан мушкули осон бўлди.

Жорий йилда меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, иш жойларида қонун ва адолат устиворлигини таъминлаш борасида бир қатор тадбирларни ишлаб чиққанмиз. Демоқчиманки, мазкур йўналишдаги ишларни янада изчиллик билан давом эттираверамиз.

Н.ШАМСИДДИНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Сурхондарё вилоят Кенгаши раиси ўринбосари

ҚАЛҚОН БОР, ҚАЛЪА БУТ, ҚЎРҒОН САЛОМАТ

САФАРБАРЛИК ЧАҚИРУВИ

резервидаги хизмат батальонида

(Боши 1-бетда)

Ҳарбий лицейда ҳар томонлама чиниққан Искандар Аманов 1993 йили қийналмасдан Самарқанд олий ҳарбий автомобил қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари сафидан жой олди. Устоз офицерлар, ўқитувчиларидан ҳарб илми сир-синоатларини чуқур ўрганиб, назарий ва амалий машғулот, синов имтиҳонларида фаол иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, ўзини танлаган касбига – офицерликка, замон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассисликка тайёрлаб борди.

Қаранг, бундай ўйлаб кўрса, курсантлик йиллари ҳам кўз-очиб юмгунча ўтиб кетибди. Бугун курсдош дўстлари, устозлари билан тушган фотосуратлар унинг учун қимматли ёдгорлик. Олий ҳарбий билим юртини битирув тантаналари, уни илк марта лейтенантлик либосида, офицер сифатида кўрган ота-онасининг, опаси Лолахон, укаси Руслан, сингиллари Веслана, Тамараларнинг қанчалар қувонгани, қалблари фахр-ифтихорга тўлгани ҳамон кўз ўнгида. Ушбу қувончли лаҳзалар суратларга муҳрланган.

Ёш лейтенант Нукус гарнизонида гуруҳ командири сифатида хизмат бошлаганидаёқ тайёргарлик даражаси юксаклиги, билимдонлиги, оғир-босиқлиги, муомаласи билан кўзга ташлана бошлади. Тажрибали офицерлар, сафдошлари, сержантлар ва аскарларнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Искандар Амановнинг бир йил ичида взвод командири лавозимига тавсия этилгани эса фаол хизматлари, хизмат маҳорати қадрланганига, унинг қисқа муддатда ҳарбий жамоанинг ҳақиқий аъзосига айлана олганига яққол мисолдир.

Албатта, йил сайин тажрибаси ошиб бораётган ёш офицерга қисм раҳбарияти катта ишонч билан қаради.

У бир қанча муддат мотоўқчилар батальони командири, Киме хизмати бошлиғи, қолаверса, вақтинча қисм штаби бошлиғи лавозимларида ҳам муваффақият билан хизмат қилди. Қўл остидагиларнинг энг илғор, уюшқоқ жамоалар сафидан жой олишига муносиб ҳисса қўшди. Энг муҳими, қайси лавозимда хизмат қилмасин, шахсий таркиб билан ишлай олишни, штаб, жанговор тайёргарлик, режалаштириш ишларини, компьютерни яхши билишини, дунёқараши, интеллектуал даражаси юксаклигини намойиш эта олди. Айнан шунинг учун ҳам 2003 йил февралида кўплаб номзодлар ичидан айнан уни танлаб ўта масъулиятли лавозимга тайинлашди. Эндиликда капитан Искандар Аманов Қуролли Кучларимиздаги туб ислоҳотлар, янгиланишлар меваси бўлмиш сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат батальони командири сифатида ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Ўзингизга яхши маълумки, ушбу хизмат тури муддатининг нисбатан қисқалиги, тайёргарлик машғулотлари сонининг камлиги айни батальон офицер ва сержантларининг тайёргарлик даражаси, педагогик маҳорати жуда юксак бўлишини, вақтдан, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишни талаб этади.

Бир сўз билан айтганда, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга жалб этилган ҳар бир ўғлон жанговор тайёргарликка, шайликка эга бўлиши керак. Унинг дунёқарашини, ватанпарварлик даражаси, одоб-ахлоқини янада шакллантириш, ҳарбий хизматга меҳр уйғотиш ҳам талаб этилади. Қолаверса, иштирокчилар миллий армиямизда, Қуролли Кучларимизда рўй бераётган сифат ўзгаришларига бевосита гувоҳ бўлиши, ислоҳотларни юрак-юракдан ҳис қилиши лозим.

Капитан Искандар Аманов эса айни шу талаблар, меъёрларни жуда яхши англайди, тушунади. Қўл остидаги кўп сонли офицерлар, сержантлар жамоаси касбий тайёргарлик даражасига, фаолиятига жуда катта эътибор бериши, ўта талабчанлиги ҳам шундан.

– Буйруқ, кўрсатма, белгиланган режа сўзсиз ижро этилиши, бажарилиши керак. Ана шунда кўзланган натижага, мақсадга эришиш мумкин, - дейди у қатъият билан.

Аммо батальон командиридаги қатъият, қаттиққўллик унинг каттаю кичик масалага холислик билан ёндашишига, ҳақиқатгўйлигига асло халақит бермайди. Жамоада бирор-бир муаммо, масала пайдо бўлиб қолса, каттаю кичик ҳеч иккиланмасдан унга мурожаат қилади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтиш керак. Капитан Искандар Аманов командирлигидаги сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат батальони нафақат жанговор ўқув жараёни сифати, балки ойлик йиғин иштирокчилари учун ташкил этилган маданий-маърифий, маиший шарт-шароитлар билан ҳам кўпчиликка намуна бўла олади. Турли-туман ўқув қуроллари билан жиҳозланган кенг ва ёруғ синф хоналари, яшаш, дам олиш учун барча шароитларга эга ётоқхонани кўриб ҳавасингиз келади. Бир томонда каттагина кутубхона, рангли телевизор, иккинчи томонда улкан аквариум, сайроқи қушлар, ҳатто жисмоний томондан чиниқиш учун хилма-хил тренажёрлargача бор. Машғулотлар тугагач, бемалол мириқиб ҳордиқ чиқариш мумкин. Нафақат совуқ, балки иссиқ сув муаммоси ҳам аллақачон бартараф этилгани, алоҳида душхоналар ишлаб турганлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Яқинда диван, кресло, гиламлар билан жиҳозланган, замон талаблари даражасида таъмирланган дам олиш хоналари ҳам ишга тушади. Қўмондон ташаббуси билан амалга оширилган сифат ўзгаришларини бевосита амалга оширишда, айниқса, батальон штаб бошлиғи ўринбосари, катта лейтенант Рашид Аширов, взвод командирлари катта лейтенант Улуғбек Бобоев, лейтенант Ориф Абдувалиев, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Абдували Изимбетов, Мурод Тоштанов, Бобомурод Бобожонов, Отабой Бегматов кабилар муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Агар ҳар якшанбада, дам олиш кунлари сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат батальонига давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодкор зиёлилар, санъаткорлар, ота-оналар вакиллиги ташриф буюришини эътиборга оладиган бўлсак, бу ердаги хизмат, яшаш шароитлари юзлаб, минглаб юртдошларимизни мамнун этаётганини ҳис қилиш қийин эмас. Йиғин иштирокчилари тўғрироғи, олий, ўрта махсус маълумот эгалари орасидан ҳарбий хизмат қилишга қизиқиш билдираётганлар сонининг ой сайин ошаётгани батальон командирларининг ҳам фидокорона меҳнатлари, куюнчакликлари самарасидир.

Мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида капитан Искандар Амановнинг кўп йиллик ҳалол хизматлари муносиб баҳоланди. У Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Биз қаҳрамонимизнинг қувончига бевосита шерик бўлдик.

– Камтарона хизматларим юксак баҳоланганидан жуда хурсандман. Эришган ҳар бир ютуғимда устоз офицерларимнинг, сафдошларимнинг ҳиссаси бор, - дейди суҳбатдошимиз камтарлик билан.

Қаҳрамонимиз билан узоқ суҳбатлашиб, Искандарнинг ҳарбийлигидан-офицерлигидан жуда-жуда фахрланишини, келгусида билим ва малакасини янада ошириш учун Қуролли Кучлар академиясида ўқиш ниятида эканлигини билиб олдим. Футбол мавзуси эса иккаламизнинг ҳам эсимизга келмади. Буни мен яхшилик аломати сифатида қабул қилдим. Ахир, Ватан посбонлари метин сафини тўлдирган ёш офицерларнинг армонлар билан эмас, эл-юртни муносиб ҳимоя қилиш, ҳарбийлик шаънига муносиб ҳаёт кечиришдек улкан орзулар оғушида эканлиги мен учун жуда қувонарли бир ҳол эди-да!

Азимбек УСМОНОВ,
майор

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистоним!

ЭЛОМОН — ЭЛ ФАРЗАНДИ

Эломоннинг қаердан эканлиги тўғрисида гап кетса, бир сўз билан жавоб бериш мумкин: Сирдарё. Вилоят, туман ва ҳатто ширкатлар уюшмасининг номи ҳам шу. Дарёда сир кўп, шунинг учун ҳам номи шу сўз билан боғлиқдир. Дарё – кучли, дарё – кудратли. Сирдарёликлар дарёдан-да кудратли.

Эломон ана шу эл фарзанди, бир сўз билан айтсак, фидойи. Эди дейишга тил бормайди.

Отаси Холмурод ака Отажонов, онаси Янглиш Отажоновалар ширкатлар уюшмасида меҳнат қилишади. Бахтини меҳнатдан, даладан топиб келаётган ҳалол инсонлардан. Беш фарзанди бор эди. Йўқ, йўқ, ҳали ҳам бешта. Фақатгина Эломон энди элнинг юрагида яшаяпти, қалбидан мангуга жой олган.

Эломон 1997 йилнинг октябр ойида ўз йигитлик бурчини ўташга жўнади. Борган куни аскарий либос кийди. Маълум тайёргарликдан сўнг, ҳарбий Қасамёд қабул қилди. Ўшандаги севинчини кўрсангиз эди. Фахрланиб, ҳаяжон билан уйга хат ёзди. Тўлқинланиб дўстларига мактуб битди. У ўз мактубларида яқинларига ҳақиқий аскар бўлганлигини, ҳарбий Қасамёдни тантанали равишда қабул қилганлигини баён этган эди. Синфдоши Комил Бобожонов у ҳақда шундай дейди:

– Эломон аскар чоғида менга тез-тез хат ёзиб турар эди. Унинг ҳар бир сўзидан аскар бўлганлигидан жуда фахрланаётганлигини ҳис қилардим. У ўзи болалигидан шунақа эди, бир нарсага берилса, жуда қаттиқ берилар, бор меҳрини бахшида этар эди. Аскарликка ҳам қаттиқ меҳри тушганди.

Шу боис, оддий аскар Эломон Отажонов командир ва бошлиқларнинг барча топшириқларини тез ва соз бажариши туфайли сафдошлари тилига, командирларининг назарига тушди. 1998 йил 14 январ – Ватан ҳимоячилари кунида унга кичик сержант унвони берилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, апрел ойида сержант бўлди. Аскар бўлган билади, бундай унвонлар ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Эломонга насиб этибдики, демак, у шунга муносиб.

Вақт деганлари оқар сув, кўз очиб-юмгунча ўн саккиз ой ҳам ортда қолди. Бироқ, сержант Эломон Отажоновнинг хизматдан кетгуси йўқ...

Эломоннинг аскарлик ҳаёти даврида ҳарбий хизматга бўлган қизиқиши янада ортди. Шу боис қатъий қарорга келди: «Шартнома бўйича хизматда қоламан. Қарорим қатъий. Бошқа гапга ўрин йўқ».

Сержантнинг бу қарори командир ва бошлиқларга ҳам маъқул келди. Арзийди. Шу битта сўз унинг кейинги тақдирини ҳал этди. Сержант Эломон Отажонов шартнома бўйича хизматга қабул қилинди...

Август ойи бошида келган нохуш хабар махсус отрядни оёққа турғазди. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари ҳудудларида террорчилар пайдо бўлибди. Ўша куни Киштут қишлоғининг баланд-паст тоғли майдонларида аввал вертолётлар билан ўт очилиб, сўнг миномётлардан бомбардимон қилинди. Бундай пайтда, биласиз, тош кўчади, дарахт қулайди, ёнғин чиқади, чанг-тўзон кўтарилади. Қайсидир кавакларга жон талвасасида яширинган олган аблаҳлар тирик қолиши мумкин. Шунинг учун махсус отряд шахсий таркиби бомбардимон қилинган жойларни яхшилаб текшириб чиқиш, террорчилар учраса йўқ қилиб ташлаш топшириғини олди. Дастлаб уч киши йўлга тушди. Улар сафида сержант Эломон Отажонов ҳам бор эди. Улар анча ичкари кириб кетишди. Манзара ўша-ўша. Террорчилардан дарак йўқ. Яна олдга қараб юрилди. Бирдан ён томондан қонхўр тўда вакиллари ўқ узиб қолишди. Олдинда ҳам пайдо бўлди, разиллар. Отишма бошланиб кетди. Эломоннинг темир қалқонининг чап томонига, юрак қисмига ўқ тегди. Зарба кучли эди. Эломон чайқалди, лекин ўзини йўқотмади, йиқилмади. Тезда ўзини қўлга олиб, улар томон ўқ очди. Қонхўрлардан бири қулади. Рация орқали ўзимизникилар билан алоқа боғланди. Вазият тушунтирилди. Вазият қалтис эди. Душман роса қутурмоқда. Отишма узоқ давом этди. Ярамаслар бизникилар турган жойга яқинлаша олишмади. Аммо, катта сержант Эломон Отажоновга душман ўқи тегди... Эломон... Эндигина 22 баҳорни кўрган паҳлавоним, жигарим. Туғилган кунини нишонлашига бир ой қолган эди-я. Бизни деб, сизни деб, мустақиллигимизни, Ватанимизни деб жанг майдонида мардларча ҳалок бўлди.

13 август куни Гигант қишлоғи аҳли мотамда эди. Улар Ватаннинг мард ўғлони, ҳақиқий эл фарзанди катта сержант Эломон Отажоновни сўнгги йўлга кузатиб қўйишди. Гуруҳ командири катта лейтенант Жаҳонгир Тожибоев шундай деди: «Катта сержант Эломон Отажонов ўлгани йўқ. У бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Биз билан бирга яшайди!»

Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
подполковник

Сержантлар — армиямиз суянчи

СИНОВЛАРДА СИНАЛГАН

Асроржон Кува шаҳрида туғилиб ўсган. Зиёли хонадоннинг фарзанди. Учинчи фарзанд, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, оиладаги учинчи ҳарбий. Ҳарбий бўлганида ҳам энг фаол, энг илғорлардан.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Асроржон Нурматов офицер Шукур Чиналиев хизмат қилаётган қисмнинг етакчи посбонларидан бири. Хизмат қилаётганига ҳам етти йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу йиллар ичида ҳарбий жамоада ўзининг муносиб ўрнини топди.

Асроржон ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ билимдонлиги, жамоат ишларида фаоллиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Бунинг устига мактабнинг энг яхши спортчиси ҳисобланарди. Бокс бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган вилоят миқёсидаги мусобақаларда бир неча бор ғолибликни қўлга киритган. Ҳарбий хизмат билимдон, спортга ошно йигит учун айтарли қийин кечмади. Асроржон муддатли ҳарбий хизматдан сўнг хизматини шартнома асосида давом эттиришга аҳд қилди. Бугунги кунда у қоровул қўшинларининг энг яхши сержантларидан бири дея эътироф этилмоқда.

Қуролли Кучларимизда «Энг илғор мутахассис» танлови анъанага айланиб бораётир. Асроржон икки йилдан буён ана шу нуфузли танловда қатнашиб келаётир. 2003 йили бўлиб ўтган танловнинг республика босқичида ҳам яхши натижалар кўрсатиб, фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлган эди. 2004 йил декабр ойининг сўнгги кунларида «Энг илғор мутахассис» танловининг республика босқичи ўз ишини якунлади. Унда иштирок этган қаҳрамонимизнинг ҳарбий учқурашдаги натижалари мақтанарли бўлмади. Аммо тест синовларида унга тенг кела оладиган рақиб топилмади. Энг юқори балл 100 деб белгиланган бўлса, сержант Асроржон Нурматов 92 балл тўплади. Бу энг юксак натижа бўлиб, посбоннинг катта ақл-заковат эгаси эканлигини намойиш этди.

Посбон йигитнинг сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиш нияти ҳам йўқ эмас. 1999 йил мамлакатимиз тинчлигига раҳна солган экстремист жангари тўдаларнинг хатти-ҳаракатлари кўпчиликнинг ёдида, албатта. Ана шундай мураккаб вазиятда посбонларимизнинг она Ватанга бўлган садоқатлари асл кўринишида намоён бўлди. Асроржон ҳам барча сафдошлари қатори садоқат намуналарини кўрсатиб, юрт ҳимояси учун ҳеч қандай хавф-хатарни писанд этмайдиган фидойилардан эканини исбот қилди. Содиқ ўғлоннинг хизматлари муносиб тақдирланиб, қўмондонлик томонидан сержант унвонига лойиқ топилди.

- Бу воқеани хизматдаги фаолиятимнинг энг унутилмас кунларидан бири сифатида биламан, - дейди у. - Генерал-майор Ҳабибулло Ҳожиматов ҳар биримизни табриклаб, ишонч билдирганларида кўнглим чексиз ифтихорга тўлган. Ҳарбийликни танлаб тўғри қилганлигимни, ҳаётда ўз ўрнимни муносиб эгаллаганими англаб етганман.

Асроржон қоровул бошлиғи лавозимида хизмат қилади. Берилган топшириқларни бекаму кўст уддалашидан командирлари мамнун.

- Сержант Асроржон Нурматов ўз вазифасини сидқидилдан бажариши билан биргаликда бошқаларни ҳам фидойиликка даъват этиб туради, - дейди майор Асилбек Қорабеков. - Билимдон, тадбирли йигитни ҳарбий жамоада барча ҳурмат қилади. У каби йигитлар жамоанинг фахри ҳисобланади.

Инобат ИБРОҲИМОВА

МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Фахр

Халқимизни миллат сифатида шакллантирган, улғайтирган, замон суронларидан омон сақлаб қолган энг олий туйғу ватанпарварликдир.

Айни кунларда Вазирлар Маҳкамасининг «Мудофаа вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорининг ижро ва назорат режаси асосида ҳокимликлар, алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган оммавий ватанпарварлик тадбирлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасида ҳам бу борада махсус режа ишлаб чиқилди.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган режа олий ва ўрта махсус таълим бошқармаси, халқ таълими бошқармаси, мудофаа ишлари туман бўлимлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлари ижтимоий ҳаракати вилоят ва шаҳар кенгашлари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Ватанпарвар» ташкилоти билан яқин ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Бугун ҳар бир таълим масканининг ўз қаҳрамони бор. Улар кимлар? Улар кечагина маҳалла кўчаларини чангитиб юрган, иқтидорлари билан шўхликлари ёнма-ён болакайлар, ўқувчилар, талабалар. Қандай қилиб улар қаҳрамон бўлдилар? Буни шундай изоҳлашимиз мумкин: улар Ватан олдидаги муқаддас бурчларини шараф билан ўтаган оддий аскарлар, фидокорона хизматлари сабаб армиямизнинг суянчи ва таянчи дея эътироф этилаётган сержантлар, шарафли касб эгаларини тутган етук офицерлардир. Бир сўз билан айтганда, Ватаннинг ишончли ҳимоячилари - посбонлардир. Ватан ҳимоячилари куни олдидан Қуролли Кучларимизнинг катта тажрибага эга офицерлари таълим масканларида, маҳаллаларда учрашувлар, жасорат дарслари ўтказдилар.

Инсон хотираси муқаддас. Хизмат вазифасини бажараётиб қаҳрамонларча ҳалок бўлган Ватан ҳимоячиларининг муқаддас хотираларини ёд этиб, уларнинг оила аъзолари иштирокида учрашувлар ўтказиш ҳам асосий тадбирлардан ҳисобланади. Уларнинг оилалари учун нафақат моддий ёрдам, балки маънавий кўмак ҳам зарурдир.

Кўргазмали автоюришлар ҳам кўпчиликда, айниқса ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Бу тадбир вилоят «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилди.

— Оммавий ватанпарварлик тадбирлари доирасида халқимизнинг энг яхши анъаналаридан бири - ҳашар ўтказиш ҳам режамизга киритилган, - дейди биз билан суҳбатда вилоят мудофаа ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник Зокиржон Шермамадов. - Бир кунлик ҳашардан тушган маблағ чақириққача ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш моддий негизини барпо этишни таъминлаш учун сарфланади. Оммавий ватанпарварлик тадбирларининг юқори савияда ўтишини таъминлашда тажрибали офицерлар, чақириққача бўлган ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлими бошлиғи, подполковник Зоҳид Муяссаров, ҳарбий ҳисоб бўлинмаси бошлиғи, майор Кўчқор Пармонов, Қарши шаҳар мудофаа ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Мамаражаб Облоқуловларнинг фидойиларча хизмати алоҳида таҳсинга сазовордир. Бундан ташқари, тадбирлар доирасида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг дастлабки босқичини бошлаш ва янги дастурини ишлаб чиқишни режалаштирганмиз.

Оммавий ватанпарварлик тадбирларини кенг ёритиш мақсадида вилоят оммавий ахборот воситалари ҳам жалб қилинган. Шу ўринда вилоятда фаолият юритаётган ОАВлар билан ҳамкорлик ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Маълумки, кейинги йилларда Қуролли Кучларда ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Давр талаби билан шаклланаётган миллий армиямиздаги улкан ўзгаришлар маҳаллий ОАВларда кенг ёритилмоқда.

Хуллас, вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг оммавий ватанпарварлик тадбирлари доирасида олиб бораётган ишлари кўзланган эзгу мақсадни амалга оширишда улкан ҳисса бўлиб қўшилишига ишончимиз комил.

И.РАҲИМОВА

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

САВОЛ: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган нафақалар, моддий ёрдамлар ҳақида батафсил маълумот берсангиз. Қонунчилигимизда мазкур нафақалар кимларга, қандай ҳужжатлар асосида, қанча муддатга берилиши назарда тутилган?

Т.МИНГБОЕВА, Г.РАСУЛОВА,
Тошкент шаҳри,
А.МУРОДОВА,
Андижон вилояти,
Ш.ҚОСИМОВА, Ю.АКБАРОВ,
Урганч шаҳри.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИДАН БЕРИЛАДИГАН НАФАҚАЛАР

ЖАВОБ: амалдаги қонунчиликка кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолига пуллик моддий ёрдамлар ва бир нечта нафақалар тайинланади. Бундай тўловлар ижтимоий ёрдамнинг аниқ манзилли бўлганлиги учун фақат ҳақиқатда шундай ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга тайинланади.

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚА

Фуқаролар йиғини томонидан энг кўп тайинланадиган нафақа – болали оилаларга бериладиган нафақа. Мазкур нафақа 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Президент Фармонига асосланиб ишлаб чиқилган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 437-сонли қарори билан тасдиқланган вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тўлаш тўғрисидаги Низомга биноан амалга оширилади. Ушбу Низомга биноан:

– бир болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

– икки болали оилаларга энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

– уч болали оилаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 140 фоизи миқдорида;

– тўрт ва ундан ортиқ болали оилаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 175 фоизи миқдорида нафақа тайинланади.

Шунинг билан бир қаторда ногирон болалари бўлган, ота-онаси бўлмаган етим болалар, қариндош-уруғларнинг оиласида тарбияланаётган оиладаги ота-оналардан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган, ота-онадан бири ёки ҳар иккаласи ҳам ишсиз сифатида меҳнат бўлимида ҳисобда турган оилаларга нафақа тайинланишида устунлик назарда тутилган.

Мазкур нафақа олти ой муддатга тайинланади ва тўланади. Бу муддат тугагач, оила нафақа тўлашни янги муддатга давом эттиришни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Нафақа тайинлашни сўраб ариза берган фуқаролар ўз аризасида мурожаат қилишнинг сабабларини, шунингдек, оила аъзолари оладиган даромад миқдорини кўрсатишлари керак бўлади:

– оила таркиби ҳақида турар-жойидан маълумотнома;

– болаларнинг туғилганлик гувоҳномаларидан кўчирма нусхаси;

– васийлик (ҳомийлик)да бўлган болаларга васийлик ўрнатган органнинг қароридан кўчирма нусхаси;

– 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган боланинг ўқиётганлиги ва стипендия олмаётганлиги тўғрисида маълумотномалар тақдим этилади.

Ўзини ўзи бошқариш органининг талаби бўйича аризачи оила аъзоларининг даромадлари ҳақида маълумотнома тақдим қилиши керак.

Оиланинг нафақага муҳтожлигини аниқлаш учун махсус комиссия тузилади. Бу комиссия ариза берилгандан бошлаб икки ҳафта муддат давомида оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини кўздан кечиради ва нафақа тайинлаш ёки рад этиш ҳақида хулоса беради.

Нафақа тайинлаш ҳақидаги қарор фуқароларнинг шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳалла йиғинларида очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Йиғин қатнашчиларининг кўпчилиги овоз берса қарор қабул қилинган ҳисобланади.

МОДДИЙ ЁРДАМ

Ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга тайинланадиган ойлик пул тўловларидан бири – моддий ёрдамдир.

Моддий ёрдам тўловлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги 938-сонли «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан жорий қилинган бўлиб, уни тайинлаш ва тўлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августида 434-сонли Низомида белгилаб берилган.

Ушбу Низомга кўра, объектив, яъни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра оиланинг ўта зарур эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган кам даромадли оилалар ва ёлғиз фуқаролар (балоғатга етмаган болалари бўлган кўп фарзандли оилалар, боқувчиси ногирон ёки боқувчиси меҳнат қобилиятини қисман йўқотган, сурункали касаликка чалинган шахсларнинг оилалари, ишсизларнинг оилалари, ёлғиз пенсионерлар ва бошқа ёрдамга ўта муҳтож оилалар)га ҳар ойлик моддий ёрдам тайинланиши мумкин.

Нафақа уч ойга тайинланади ва тўланади. Бу муддат тугагач, агар оилада моддий аҳвол яхшиланмаган бўлса, ёрдам белгиланган янги муддатга тайинланади.

Моддий ёрдам тайинлашда юқорида кўрсатилган болали оилаларга нафақа тайинлаш тартиби қўлланилади. Яъни бунда оиланинг муҳтожлик даражасини аниқлайдиган махсус комиссия тузилиб, икки ҳафта ичида оиланинг моддий ва мулкий аҳволи ўрганилади. Сўнг комиссия хулосаси фуқаролар йиғини (йиғилишига) овозга қўйилади. Йиғин иштирокчиларининг кўпчилиги овоз берса, моддий ёрдам тайинланади ва тўланади. Ҳар бир муайян оила учун ҳар ойлик тўловлар миқдори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан мустақил равишда, шу мақсадлар учун уларнинг ҳисоб варақаларида мавжуд бўлган маблағлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Моддий ёрдамнинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 дан 3 бараваригача миқдорда белгиланиши лозим.

«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN





ИККИ ЁШГАЧА БОЛА ПАРВАРИШИ УЧУН ТЎЛАНАДИГАН НАФАҚА

Бюджет ҳисобидан тўланадиган нафақаларнинг яна бир тури – ишламаётган оналарга фарзанди икки ёшга етгунига қадар бола парвариши даврида тўланадиган нафақадир.

Бундай нафақани тайинлаш ва тўлаш тартиби Адлия вазирлиги томонидан 2002 йилнинг 14 мартида рўйхатга олинган ишламаётган оналарга икки ёшга тўлмаган фарзандларини парваришлаш даврида нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра амалга оширилади. Унга мувофиқ икки ёшга етмаган бола тарбияси билан машғул бўлган ишламаётган (меҳнат шартномаси асосида) шахс сифатида нафақа олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга бўладилар:

а) ишламаётган оналар ёки уларнинг ўрнини босаётган шахслар (боланинг онаси, бувиси, фарзандликка олган шахс, васий ва бошқалар);

б) тўлов-контракт асосида олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг кундузги бўлимида таълим олаётган ишламаётган оналар ёки уларнинг ўрнини босувчилар (бола парвариши билан бевосита шуғулланаётган шахслар);

в) якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланаётган юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжалигида аъзо сифатида ишлаётган оналар (уларнинг ўрнини босаётган шахслар).

Нафақа тайинлашни сўраб фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига ариза билан мурожаат қилишлари керак бўлади. Қишлоқ, шаҳарча, овул, маҳалла фуқаролар йиғинининг ёки у ваколат берган комиссиянинг нафақа тайинлаш тўғрисидаги қарори нафақа тайинланиши учун асос бўлади. Нафақа миқдори болалар сонидан қатъи назар энг кам ойлик иш ҳақининг 200 фоизини ташкил қилади ва 12 ой муддатга тайинланади.

Фуқаро муддат тугашига бир ой қолганда маҳалла қўмитасига такроран ариза бериши мумкин. Бунда ариза кўриб чиқилиб, нафақа тайинлаш тўғрисида янгидан қарор қабул қилинади.

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

– бола туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

– меҳнат дафтарчасининг нусхаси (аввал ишлаган бўлса);

– ариза беришдан олдинги 12 ой давомида оиланинг даромадлари ҳақидаги маълумотнома;

– боланинг ногиронлиги (агар ногирон бола бўлса) ҳақида тиббий маслаҳат комиссияси (ВКК)нинг хулосасидан нусха;

– никоҳ бекор бўлгани (бекор бўлган бўлса) ҳақида суд қарори;

– боланинг онаси бўлмаганда бола парваришини амалга ошираётган шахс боланинг онаси йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Икки ёшга тўлмаган фарзанд парвариши даврида боланинг онасига (унинг ўрнини босувчи бошқа шахсга) нафақа оиланинг даромадлари эътиборга олингани ҳолда тайинланиши мумкин. Яъни, моддий жиҳатдан етарли таъминланган оилаларга бу нафақа тайинламаслиги ҳам мумкин.

Айрим ҳолларда оиланинг даромади даражасидан қатъий назар, нафақа тайинланади:

1) тўлиқ бўлмаган (отаси ёки онаси йўқ оилада) оила болани тарбиялаётган ота ёки онага;

2) ногирон болани тарбиялаётган оилаларга (қайси боласи ногирон эканлигининг аҳамияти йўқ). Оиланинг умумий даромади тақсимланганида унинг ҳар бир аъзосига энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизидан кам даромад тўғри келадиган ҳолларда оила кам таъминланган деб ҳисобланади.

Ариза аризачининг бевосита иштирокида кўриб чиқилиши шарт.

ЁШ ОИЛАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН МОДДИЙ ЁРДАМ

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали бериладиган ижтимоий ёрдамнинг яна бир тури – ёш оилаларга бериладиган нафақадир. Уни тайинлаш ва тўлаш тартиби Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 7 майда рўйхатга олинган «Моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган ёш оилаларга кўрсатиладиган маблағларни ташкил топтириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра амалга оширилади.

Ушбу Низомга кўра ёш оилаларга бир марталик қайтариб олинмайдиган моддий ёрдам шаклида, фоиз олинмайдиган қарз бериб туриш тарзида ёки бошқа шаклларда моддий кўмак берилиши мумкин. Кўрсатиладиган беғараз ёрдам миқдорида, бериладиган фоизсиз қарз, ундан фойдаланиш тартиби ва муддатлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан белгиланади. Бундай ёрдамни олишда келин ёки куёв ногирон бўлса, қариндошлари ва бошқа ёрдам берувчи яқинлари бўлмаса, кам таъминланган оилалардан бўлса, келин ёки куёв фуқаролар йиғини фаолиятида мунтазам иштирок этса имтиёзлардан фойдаланадилар. Ёш оила томонидан моддий ёрдам кўрсатилишини сўраб берилган ариза фуқаролар йиғини томонидан белгиланган муддатда кўриб чиқилади.

ЁЛҒИЗ ҚАРИЯЛАР ВА НОГИРОНЛАРГА ЕТКАЗИЛАДИГАН ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ

Адлия вазирлигида 2000 йилнинг 23 февралида 900-рақам билан рўйхатга олинган «Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий ёрдамни етказиш тартиби»га биноан амалга оширилади. Ушбу тартибга кўра «қўшимча манзилли ижтимоий ёрдам» республикада ўрнатилган пенсия ёшига етган (аёллар – 55 ёш, эркаклар – 60 ёш) ва ундан юқори ёшда бўлган Ўзбекистон фуқароси, ёшидан қатъи назар I ва II гуруҳ ногирони алоҳида уйда, хонадонда, ётоқхонада яшаса ва фарзандлари (жумладан боқиб олган фарзанди), ота-онаси, эри (хотини), қаровчиси, ҳомийси бўлмаган «қўшимча манзилли ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлғиз, кекса, пенсионер ва ногирон» деб тан олинган шахсларга кўрсатилади.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган бошқа кекса, пенсионер ва ногиронларга қўшимча ижтимоий ёрдам қуйидаги ҳолларда кўрсатилиши мумкин:

– яшаб турган маъмурий ҳудудда (маҳалла, овул, қишлоқ ва бошқа) яшаб, аммо уларга доимий равишда турли хил кўринишдаги моддий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлмаган қариндошлари бўлса;

– уларнинг фарзандлари ёхуд ота-онаси, эри (хотини) узоқ муддатга мажбурий даволанаётган ёки озодликдан маҳрум қилинган бўлса;

– кекса, пенсионер ва ногирон – эр-хотин бўлиб бирга яшаётган бўлса ва қариндошлари бўлмаса;

– ногирон бола билан биргаликда яшаётган бўлса.

Ёлғизларни рўйхатга олиш ва уларга қўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатиш қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

– ёлғиз кекса, пенсионер, ногироннинг аризаси ёки фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқолнинг) тавсияси;

– ёлғизнинг яшаш шароити ва моддий ҳолатини ўрганганлик тўғрисида далолатнома;

– ёлғиз фуқаро уйда ижтимоий хизмат кўрсатилишига муҳтож бўлган ҳолатда унга унинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги ҳақида ТМК ёки ТМЭК хулосаси ижтимоий таъминот бўлими томонидан расмийлаштирилади.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёлғиз фуқаролар рўйхатга олингандан сўнг, қабул қилинган ҳудудий «Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш» дастурларига асосан, уларга ижтимоий ёрдамнинг аниқ турларини кўрсатишни ташкиллаштирадилар.

Жавоб ТДЮИнинг «Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчилари билан ҳамкорликда тайёрланди

ЧИРОҒИ ЯХШИ, ТЎЛОВИ-ЧИ?

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги барча корхоналар қишки мавсумга тайёргарликни бирмунча эрта бошлади. Вилоятимизда ҳам ушбу йўналишдаги ишлар уюшқоқлик билан ташкил этилди. Мавжуд трансформаторларнинг барчаси кўздан кечирилди, камчиликлари бартараф этилди. Барча шаҳар ва туманларда табиий йўқотишларни янада камайтириш мақсадида электр симлари шох-шаббалардан тозаланди.

Маълумки, айнан қиш мавсумида иқтисодиёт, ишлаб чиқариш соҳалари, айниқса, аҳолининг электр ва иссиқлик энергиясига бўлган талаби сезиларли даражада ошади. Бу ўз-ўзидан биз, энергетиклар зиммасига катта масъулият ва ўта машаққатли вазифа юклайди. Зеро, бу даврда истеъмолчиларга бир маромда электр энергияси етказиб бериш бош вазифамиз ҳисобланади. Лекин совуқ кунлар бошланиши биланоқ бир қатор муаммоларга дуч келяпмиз. Шунинг учун ҳам бизга келаётган ариза-ю шикоятларнинг кети узилмаяпти. Барчасида мавзу битта - электр энергиясини узлуксиз етказиб бериш сўраляпти.

Келинг, масалага чуқурроқ ёндошайлик. Табиийки, қишнинг қаҳратон кунларида ҳаммамиз ҳам қандай йўл билан бўлмасин, уйимизни иситиш чорасини излаймиз. Газ босими пастлиги, иситиш тизими яхши ишламаслиги оқибатида турли қўлбола иситиш мосламаларидан фойдалана бошлаймиз. Уларнинг ҳатто давлат стандарти талабларига жавоб берадиганлари ҳам жуда катта электр энергияси ҳисобига ишлайди. Энг ачинарлиси, бундай шароитда трансформаторлар меъёрдан ортиқ юкламани кўтаролмайди. Натижада трансформатор керакли қувватни етказиб беролмай ишдан чиқади. Айнан шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун электр энергияси етказишда ҳудудларни навбатма-навбат ўчириб қўйишга мажбур бўляпмиз.

Ўтган йили вилоятимиз бўйича 75 та трансформатор юкламани кўтаролмай ишдан чиқди. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, трансформаторларнинг куйиб кетиш ҳолатлари асосан газ босими паст ва иситиш тизимлари яхши ишламайдиган туманларда рўй берган. Жумладан, Марғилон шаҳрида 15 та, Охунбобоев туманида 13 та, Ёзёвонда 12 та, Риштонда эса 8 та трансформатор яроқсиз ҳолга келган. Уларнинг ҳар бирини таъмирлашга эса камида бир миллион сўмдан маблағ сарф бўлади.

Хонадонимизда чироқ ўчиши билан барча айбни энергетикларга юклашга, ҳаммасига фақатгина улар айбдор дейишга ўрганиб қолганмиз. Лекин ўзимиз кўп ҳолларда электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланишимиз лозимлигини унутиб қўямиз. Уйимизда ишлаб турган электр печи камида 10 та хонадонда чироқ ёнмаслигига сабаб бўлаётганини бир ўйлаб кўрсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тўлқин ИБРАГИМОВ,
«Фарғона электр тармоқлари» АЖ бош муҳандиси

* * *

Аҳолининг фойдаланилган электр энергияси учун қарзини ундириш вилоятда, айниқса, Фарғона шаҳрида оғир кечяпти. Кўрилаётган қатъий чораларга қарамай қарздорлик миқдори тўхтовсиз ошиб бормоқда. Биргина Фарғона шаҳрининг ўзида аҳолининг электр энергиясидан қарзи айни вақтда 905 миллион 130 минг сўмдан ошиб кетди. Раҳбардан тортиб оддий хизматчигача ушбу қарздорликни камайтириш ишига жалб этилган. Катта қарзи мавжуд бўла туриб, уни тўлашни истамагани учун ҳуқуқ-тартибот идораларига чора кўриш учун юборилган ҳужжатлар ҳам талайгина. Фикримизни мисоллар ёрдамида асослашга уринайлик.

Фарғона шаҳрининг Навоий кўчаси 39-А уйининг 13-хонадонида яшовчи - Фарғона тумани ИИБ жиноят қидирув бўлими ходими фойдаланилган электр энергияси учун 2004 йил 30 ноябр ҳолатига 96 минг 275 сўм қарз. Мазкур хонадон соҳиблари 2003 йил 22 ноябрда 10 минг сўм тўлаганича ўтган бир йилдан ортиқроқ вақт ичида электр энергияси учун ҳеч қандай тўлов амалга оширмаган. Энг ёмони, бир неча марта тармоқдан узиб қўйилишига қарамай, ҳар сафар ўзбошимчалик билан қайта уланиб олаверган.

Худди шу кўчадаги 33-уйнинг 8-хонадонида яшовчи - «Жамшид-С» уй-жой мулкдорлари ширкати раисаси Зулфия Мирзаназарова ҳам электр энергияси учун 2004 йил 1 октябр ҳолатига 115 минг 275 сўм қарздор. Бу хонадон ҳам роппа-роса бир йил аввал 5 минг сўм пул тўлаган, холос.

Яна бир мисол. А. Қодирий кўчаси 26-уй 79-хонадонда яшовчи - А. Мелибоев номли маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Жамила Мирзаева эса электр энергиясидан 2004 йил 1 ноябр ҳолатига 155 минг 550 сўм қарздор. Қисқаси бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

—Тўғриси, қонунбузарларга қарши қандай чора кўриш ўйлантириб қўйяпти,— дейди шаҳар электр тармоқлари абонент бўлими бошлиғи Мухтор Тошназаров. — Мавжуд қарзи учун тармоқдан узиб қўйишнинг ўзи билан эплаб бўлмаяпти. Узиб кетасиз. Бир соат ўтар-ўтмас ўзбошимчалик билан яна уланиб олаверишади. Ахир 41 мингдан ортиқроқ хонадон билан ишлашнинг ўзи бўладими? Биз ишни ташкил этишга, очиғи, жисмонан улгурмаяпмиз.

Бугунги кунда соҳа ходимлари олдида яна бир қатор муаммолар кўндаланг турибди. Хусусан, хонадонларни ҳисоблагичлар билан таъминлаш ҳалигача мураккаб масала бўлиб қоляпти. Ҳозирда шаҳардаги хонадонларнинг 4 минг 333 таси электр энергиясидан ҳисоблагичсиз фойдаланяпти.

Энергетиклар қанчалик ҳаракат қилишмасин, кўп қаватли уйларни ҳисоблагичлар билан таъминлаш қийин кечаяпти. Буни айтишга асос бор. Чунки яқинда Пушкин кўчаси 54-уйга тажриба сифатида 44 та электр ҳисоблагич ўрнатилди. Шитлар пайвандланиб, мустаҳкамланди. Лекин шунга қарамай 4 кун ичида 10 га яқин ҳисоблагичнинг ойнаси атайин синдириб кетилган.

Кези келганда, вилоят миқёсидаги аҳволга бир кўр назар ташласак. Рости, «Фарғона электр тармоқлари» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарда улгуржи истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ҳақини ўз вақтида ундириш бўйича талайгина муаммолар, ечими мураккаб масалалар йиғилиб қолган. Фарғона шаҳрида корхона ва ташкилотларнинг 201 миллион 664 минг сўм дебитор қарзи мавжуд. Жумладан, 2004 йилнинг 1 ноябр ҳолатига вилоят шифохонаси 12 миллион 935 минг сўм, «Энерго марказ» акциядорлик жамияти эса 1 миллион 412 минг сўм қарз.

Вилоят божхона бошқармаси эса 1 миллион 736 минг сўм қарз. Энг ачинарлиси, бу қарздорлик кечагина пайдо бўлиб қолган эмас. Бошқарманинг бир ойлик электр энергияси истеъмоли 278 минг 500 сўм бўлиб, мавжуд қарзнинг 727 минг 586 сўми муддати ўтган.

«Фарғона» ҳарбий хўжалиги бир ойда 10 минг сўмлик электр энергияси сарф этади. Қарзи эса бугунги кунга келиб 2 миллион 885 минг сўмга етган. Энг йирик қарздор ташкилотлардан яна бири шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармасидир. Унинг 1 ноябр ҳолатига 35 миллион 566 минг сўм қарзи бор. Жумладан октябр ойининг ўзида бошқарма 8 миллион 932 минг сўмлик электр энергияси сарф этган. Устига-устак қиш мавсумида корхонанинг электр энергияси истеъмоли икки ҳисса ортади. Қарздорлик ҳам тўхтовсиз ўсиб боради. Корхона раҳбарларининг бу масалада жиддийроқ ўйлаб кўриш пайти келмадимикан?

Фарғона тумани қишлоқ хўжалигига ихтисослашгани боис мавжуд қарзнинг асосий қисми ширкат хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Хўжаликлар 2003 йилнинг март ойида транш маблағлари орқали қарзларининг бир қисминигина тўлаганди. Ундан кейинги ўтган бир ярим йилдан ортиқроқ вақт ичида ширкат хўжаликларининг қарзи тўхтовсиз ошиб борди. Яқинда, аниқроғи ўтган йилнинг ноябр ойида улар транш маблағлари асосида 68 миллион 830 минг сўм тўлаб берди. Лекин бу узоқ вақтдан буён тўпланиб келаётган 625 миллион 619 минг сўм қарз олдида ҳеч нарса эмас-да. Туман халқ таълими бўлими 7 миллион 813 минг сўм қарз. Марказий шифохонанинг қарзи эса 8 миллион сўмдан ошиб кетган. Машина-трактор парки ҳам 11 миллион 529 минг сўм қарзини тўлолмаяпти.

Етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш аҳволини тубдан яхшилаш, тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ҳамда қарздорликни кўпайишига йўл қўймаслик мақсадида ҳукуматимиз томонидан зарурий чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511 ва 512 сонли қарорлари электр энергияси учун ҳисоб-китоб тартибларини қатъий белгилаб берди. Унга кўра, юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзлар «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бўлинмалари томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган тўлов талабномалари тўғрисидаги реестрлар бўйича юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан, заруният туғилганда хўжалик судлари орқали сўзсиз тартибда ундириб олинади.

Шунингдек, улгуржи истеъмолчилар электр энергияси учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ҳар ойда, календар ой тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишга мажбурликлари ҳам белгилаб қўйилган.

Нима бўлганда ҳам тўловнинг изга тушиши, электр энергияси ишлаб чиқариш, тизимга янги технологиялар олиб кириш имкониятини беради. Бу эса халқ хўжалиги ривожи, қолаверса, хонадонларимиз чароғон бўлишига асосдир.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири

Масала кўндаланг қўйилади



Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар

Юқори Чирчиқ тумани машина-трактор парки очиқ акциядорлик жамиятида 95 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларга корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан барча қулайликлар яратилган. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан корхонада ишлаб ҳозирги кунда нафақада бўлган 26 нафар меҳнат фахрийларига 247 минг сўмлик ва ногиронлар жамияти ҳамда корхона жойлашган «Дўстлик» маҳалласида истиқомат қилаётган ёлғизларга беғараз моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 4 умумтаълим мактабига 128 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Суратларда: илғор ҳайдовчи А.Миртурсунов. МТП бошлиғи А.Юсупов ходимлар билан суҳбатлашмоқда.

ОАО "ТЗ "Компрессор" объявляет публичный конкурс на избрание Председателя Правления акционерного общества

Для участия в конкурсе подается заявление Председателю наблюдательного совета в закрытом конверте (с указанием Ф.И.О. участника и контактного телефона) с приложением личного листка, трех фотографий, копии диплома о высшем образовании, в заявлении кандидата о согласии баллотироваться на должность указывается информация о привлечении (не привлечении) к уголовной или административной ответственности, программа (бизнес-план) развития предприятия на 2005-2006 гг. Участники в ходе подготовке подбирают кандидатов для включения в состав правления в количестве не менее четырех человек.

Требования к кандидатам на избрание Председателя правления:

1. Возраст - не более 60 лет.
2. Наличие высшего технического или экономического образования.
3. Опыт работы на руководящих должностях - не менее двух лет.

Срок подачи заявлений до 1 марта 2004 г.

Победитель конкурса и члены правления определяются в соответствии с Уставом общества с учетом внесенных изменений и дополнений в 15 дневный срок с момента рассмотрения поступивших предложений.

Наблюдательный совет

Вниманию акционеров ОАО "ТЗ "Компрессор"

Наблюдательный совет объявляет о созыве и проведении нового внеочередного общего собрания акционеров взамен несостоявшегося 24 декабря 2004 г. которое состоится 28 января 2005 г. в 16.00 по адресу г.Ташкент, ул. Уста-Ширин, 116

Дата составления списка акционеров определена 14 января 2005 г.

Наблюдательный совет



Болалар спорти

БОШЛАНҒИЧ СИНФДАН ТЕННИС ЎРГАТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Чунки фарзандларимизни баркамол қилиб вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Жиззах вилоятида теннис ёшларнинг севимли ўйинига айланиб бораяпти. Шунинг учун вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги кўплаб таълим муассасаларида теннисни оммавийлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

- Ўтган йили Жиззах шаҳри мактабларида хайрли ишга қўл урилди, - дейди бошқарма ходими Саъдулла Турсунмуродов. - Бошланғич синф ўқувчилари теннис сир-асрорларини ўрганишга киришишди. Бунинг учун катта маблағ талаб қилинади, албатта. Шунинг учун меҳнат таълими дарсларида оддий фанердан теннис ракеткалари тайёрлашга ҳаракат қилинди. Шу тариқа спорт зали ёки майдончаларда теннис машғулотлари ўтказила бошланди. Бундай машғулотларни синф раҳбарлари ва жисмоний тарбия ўқитувчилари олиб боришаётир.

Бундай тажриба Дўстлик тумани халқ таълими тасарруфидаги «Бинафша», «Райҳон», «Юлдузча» мактабгача таълим муассасалари ҳамда 1-, 6-, 2-, 14-умумий ўрта таълим мактабларида ҳам синаб кўрилаяпти. Бундан учтўрт йил бурун теннис ракеткаларини оддий усулда тайёрлашни тумандаги Ойбек номли 15-мактаб спорт мураббийи, биринчи гуруҳ ногирони Ҳабибулло Саримсоқов йўлга қўйган эди.

Излаган имкон топади, дейдилар. Бу борада вилоятда анчагина ишлар қилинмоқда. Теннисни ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ва Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимининг бу ташаббуси кенг қулоч ёймоқда.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

«ВАТАН ПОСБОНЛАРИ» АЙЛАНМА КРОССВОРДИ

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Ҳарбий хизматчи. 2. Ҳарбийларнинг саф тортиб, тантанавор юриши. 3. Давлат рамзи. 4. Ҳарбийларимиз ҳаётига оид видеофильм. 5. Милтиқ ўқи. 6. Ватанимизнинг Туркманистон билан чегарадош вилояти. 7. Ўзбекистоннинг энг жанубий сарҳадидаги вилоят маркази. 8. Ўқотар қурол тури. 9. Денгизчи аскар. 10. Раҳбарга маълум бир нарса тўғрисида ахборот бериш. 11. Милтиқ қисми. 12. Олисни аниқ кўришда фойдаланиладиган оптик асбоб. 13. Қатъий кўриқланадиган ҳудуд. 14. Ҳарбий ишда сигналлар бериш ва мушакбозликда ишлатиладиган снаряд. 15. Алоқа техникаси. 16. Қўшин тури. 17. Ҳарбийлар белгиси. 18. Дам олиш, ҳузур. 19. Белгиланган қоида, интизом. 20. Муваффақият, зафар. 21. Душман ҳужумидан сақланиш учун истеҳкомлар билан мустаҳкамланган шаҳар, қалъа. 22. Жанг қуроли. 23. Раҳмдиллик, меҳрибонлик кўрсатиш. 24. Армиянинг командирлар таркибига мансуб ҳарбий хизматчи. 25. Моҳир ўқотар. 26. Йирик, тезюрар транспорт воситаси. 27. Йирик ҳарбий қўшилма. 28. Душман ҳудудида жанг олиб бориш учун, шу ҳудудга самолётдан туширилган қўшин. 29. Милтиқ ўқининг зарядини ёндирувчи металл мослама. 30. Муҳандислик қўшинлари аскари.

ЧАЙНВОРД

31. Ватаннинг ҳарбий қудрати. 32. Кучли портловчи қурол-бомба тури. 33. Жанг заруратидан кавланган ҳандақ. 34. Учиш аппаратларидан сакраш мосламаси. 35. Зирҳли ҳарбий техника. 36. Ҳарбий илмгоҳ талабаси. 37. Самолётларнинг ҳаво жанги. 38. Ҳарбий хизматга оид қонун-қоидалар мажмуи. 39. Малака оширишга қаратилган ҳаракат. 40. Қадимий тиғли қурол. 41 Машқ натижасида танани тоблаш, мушкул шароитга тайёрлик. 42. Маскировка мақсадида тутун парда ҳосил қилувчи модда тўлдирилган металл қутича. 43. Вазият, шароит. 44. Артиллерия тўпи ўрнатилган дастгоҳ. 45. Сувости минаси.

Ф. ОРИПОВ тузди.

БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Республикамиздаги соғломлаштириш масканлари йил ўн икки ой дам олувчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Тошкент вилоятидаги сиҳатгоҳлар ҳам шу кунларда одамлар билан гавжум.

«Янгийўл», «Турон», «Чинобод», «Ботаника» каби санаторийларда ўз саломатлигини тиклаб, яхши дам олаётган ҳамюртларимиз ўз миннатдорчиликларини изҳор этишмоқда. Ана шу даргоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқарганлар орасида қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллар меҳнат қилиб келаётган дала меҳнаткашлари вакиллари ҳам бор. Улардан 45 нафари Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши томонидан бепул йўлланмалар билан тақдирланди. Бекобод, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ ва бошқа туманлардан келган деҳқонлар ҳам бундай имтиёздан бахраманд бўлишди.

ТЕАТР САНЪАТИДАН ДАРСЛИК

Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти заминида кўплаб асарлар яратилган. Ўзбек театри тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Ижодкор халқимизнинг кўп йиллик маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган бу кўҳна санъатни тадқиқ этиш йўлида Ўзбекистон бадиий академиясининг санъатшунослик илмий-тадқиқот институти олимлари самарали изланишлар олиб боришди.

Таниқли санъатшунос олим, профессор Муҳсин Қодировнинг кўп йиллик тадқиқоти натижаси ўлароқ «Ўзбек театри тарихи» деб номланган ўқув дарслиги юзага келди.

«Ижод дунёси» нашриёт уйи томонидан яқинда чоп этилган бу ўқув адабиётида ўзбек театр санъатининг ривожланиш босқичлари атрофлича баён қилинган.

«Ўзбек театр тарихи» дарслиги маданият, санъат олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилади.

А. АЛИЕВ

Касаба уюшма жонкуярлари

ОДАМЛАР ДЕБ ЯШАЙДИ ОДАМ

Бутун умрини одамларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилишга бағишлаган касаба уюшма фаоллари ҳақида ҳар қанча фахрланиб сўзланса оз. Ўзининг 30 йиллик меҳнат фаолиятининг тенг ярмини инсонга наф келтиришдек шарафли ишга бағишлаган Шавкат Султоновни соғликни сақлаш тизимида яхши билишади.

2005 йилни «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши тармоқ касаба уюшма ходимларини янада жўштириб юборди. Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари кенгаши ходимларни ижтимоий-иқтисодий, маънавий интеллектуал ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган дастур ишлаб чиқди. Унда кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, самарали меҳнат қилиши, ўқиши ва дам олиши учун қулайликлар яратиш, жисмоний тарбия ва спортнинг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш, маданий-оқартув ишларини ривожлантириш масалалари ўз ифодасини топган.

Шавкат акани Ғиждувон туман марказий шифохонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Фазлиддин Ҳамидов билан галдаги режалар хусусида суҳбатлашиб турган пайтда учратдик.

– Фазлиддин ёш, аммо иқтидорли касаба уюшма фаолларидан, - дейди кенгаш раиси фахрланиб. - Ўтган даврда ноқонуний ишдан бўшатилган 5 нафар ходимни вазифасига тиклади. Одамлар манфаатини ҳимоя қилишда раҳбарлар билан принципиал муносабатда эканлиги жуда қўл келяпти.

Етакчи Вобкентдаги «Оналар ва болалар» касалхонаси касаба уюшма қўмитаси раисаси Дилором Мавлонова, Ромитан туман марказий касалхонасидан Нодир Казаков, вилоят ўсма касалликлари диспансеридан Баҳодир Латипов, Олот касалхонасидан Эгамберди Чориев каби касабақўм раисларининг кенг жамоатчиликка таяниб, олиб бораётган ибратли фаолияти ҳақида гапириб берди.

Ана шундай фидойиларнинг ташкилотчилиги туфайли ўз сафларига 152 та бошланғич ташкилотни ва 40107 нафар касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган кенгашнинг фаолият доираси кенгайиб, иш услуби такомиллашиб бораяпти.

Мамлакатимизнинг қонун ва қарорларига асосан тизимда 36 соатлик иш ҳафтаси, 3 кундан кам бўлмаган қўшимча таътил, тўй ва бошқа маросимлар учун 7 кундан 10 кунгача навбатдан ташқари таътил берилиши, ёш боласи бор аёлларга 1 соатлик қисқартирилган иш куни, 2 ва ундан ортиқ 12 ёшгача фарзандли оналарга 3 кунлик қўшимча таътиллар жорий этилганлиги айни муддао бўлди

Биргина ўтган йили маданий, оқартув тадбирларига 13, жисмоний тарбия ва спортга 3,6, моддий ёрдам учун 2,5 миллион сўм маблағ сарфланганлиги ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида иш олиб борилаётганлигини кўрсатиб турибди.

– Инсонга наф келтириш олий бахт, - дейди Шавкат ака биз билан суҳбатда. – Ўқув юртларида таълим олаётган, кам таъминланган оилаларнинг 6 нафар фарзандига ойига ўртача 3500 сўмдан «ҳавас» стипендияси таъсис этилган.

Кенгашда ҳар бир ариза ва шикоят синчиклаб ўрганиб чиқилади. 19 нафар ходим ўз вазифасига қайта тикланди. 11 нафари «Бандлик» дастури асосида ишга жойлаштирилди. 4 нафарига имтиёзли пенсияга чиқишига кўмаклашилди. Иш жараёнида тан жароҳати олганларга 250000 сўмлик бир марталик нафақа, 99 нафарига нафақалар ундириб берилди.

Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали фельдшери Алишер Норов ишлаб чиқариш билан боғлиқ тан жароҳати учун товон пули ва бошқа компенсацияларини ололмай овораи сарсон бўлиб келаётган эди. Тармоқ кенгашининг аралашуви билан масала ижобий ҳал этилиб, жабрланувчига 128000 сўм товон пули ва 40000 сўм маънавий зарар пули ундириб берилди. Қоракўл туман марказий шифохонаси ишчиси Шодмоной опа Эгамбердиевага ҳам товон пулини ундиришга кўмаклашилди.

Ҳар бир киши соғлиғи ҳақида ўзи қайғуриши керак. Спорт инсонни нафақат жисмоний, балки, маънавий камолотга етказади. Ҳар йили ўтказилаётган соғлиқни сақлаш ходимлари ва билим юрти талабаларининг анъанавий спартакиадалари дастурига волейбол, шахмат, шашка, стритбол, енгил атлетика, стол тенниси, «Отам, онам ва мен» оилавий мусобақалари киритилган.

Шофиркон ва Қоракўл волейболчилари, Ромитан ва Ғиждувонлик шахматчилар, Жондор ва вилоят касалхонаси стол тенниси шинавандалари, Вобкент ва Бухоро шаҳар касалхонаси енгил атлетикачилари, Когон шаҳар стритбол мусобақаси қатнашчилари нафақат вилоятда, балки республика беллашувларида ҳам фахрли ўринларни олиб келмоқдалар.

Ижтимоий шерикчилик тамойилларини амалга оширишнинг асосий воситаси, бу икки ёқлама имзоланган жамоа шартномалари бўлиб, улар тиббиёт профилактика муассасаларида 66 тани ташкил қилади. Қонунда белгиланган енгилликлардан ташқари жамоа шартномалари бир қатор имтиёзларнинг ҳал этилишига кўмаклашмоқда.

Бухоро туманида қўшимча рағбатлантириш ташкил этиш, Жондор тумани касалхонасида ходимларга электр энергия, иссиқлик ва маиший хизматдан имтиёзли фойдаланиш, вилоят ўсма касалликлари диспансери ходимларига бепул тушлик бериш йўлга қўйилган.

«Иссиқ сув» физиотерапия касалхонасида ҳар йили 1 марта бепул даволаниш, 13 ёшгача боласи бор аёллар амбулатория хизматидан 20 фоиз чегирма асосида фойдаланиш амалга оширилмоқда. Тиббий ходимлар қаерда ишлаши ёки яшашидан қатъи назар ҳар ойига соф фойда ҳисобидан 100 киловатт электр энергиясидан бепул фойдаланиб келмоқдалар.

«Дори-дармон ҳиссадорлик жамияти», Бухоро, Ромитан, Ғиждувон тумани марказий касалхоналари, Бухоро шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими, вилоят санитария-эпидемиология маркази, тез тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалида ва бошқа бир қатор тиббиёт муассасаларида масъул ходимларни аттестациядан ўтказиш, жамоа шартномалари асосида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш борасида яхши тажриба тўпланган.

6 нафар фарзанднинг отаси, 11 нафар ширин-шакар неваранинг бобоси бўлган Шавкат акани кўпинча бошланғич ташкилотларда, тиббиёт муассасаларида учратасиз. Ором билмас фидойи раҳбар одамлар ташвиши билан яшашни, уларга наф келтиришни юксак шараф деб билади.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Бу шифобахш даргоҳ Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфида фаолият кўрсатаётганига чорак аср бўлди. Чиндан ҳам ўтган шу давр ичида республика болалар сиҳатгоҳи кўплаб бемор ўғил-қизларни даволашга эришди.

Ҳозир бу ерда 230 та ўрин бор. Муолажаларни амалга ошириш учун барча қулайликлар муҳайё қилинган. Республикамизнинг турли бурчакларидан келган бемор болалар белгиланган муддатда ўз дардларига даво топмоқдалар.

Моҳир шифокор Азиза Турсунова бош врач бўлган бу санаторийда даволанувчилар ўқишни давом эттириш имкониятига ҳам эга. Ўқувчилар учун ажратилган синфхоналар турли техника ўқув воситалари билан жиҳозланган.

Сиҳат-саломатлик йилида мазкур республика болалар санаторийсининг тиббий-техник негизи янада мустаҳкамланади.

Биз билган, билмаган дунё

ТОҒЛАР ОША, ДАРЁЛАР ОША...

У Жаҳонгиршоҳ билан бўлган иккинчи учрашувида Амир Темур сағанасига қўйилган қора мармартошнинг катталиги, тиниқлиги, қалинлиги ҳақида сўраб, қабр тошига ўхшаш қора мармарларнинг бир неча хилини кўрсатганлигини ҳикоя қилади.

Мутрибий Жаҳонгиршоҳ билан қилган учрашувларининг яна бирида шоҳнинг «Худога шукур, тез кунларда олий мартабали Абдураҳимхожа билан учрашаман. Унинг оғаси Тожиддин Ҳасан хожа билан ҳам диддор кўришиш ниятим бор», деган гапларини эслайди.

Хўш, Жаҳонгиршоҳ ёд этган бу икки улуғ шахс ким бўлдийкин? Мутрибийнинг «Тазкирати шуаро» китобида бу икки шахснинг адабий иқтидори хусусида ҳам маълумотлар келтирилган. Бу асарда Жўйбор хожаларидан бўлган Тожиддин Ҳасан хожанинг ўғли Юсуфхожа ва унинг амакилари Абдураҳимхожа ва Абдиҳожалар ҳақида маълумотлар, шеърларидан намуналар берилган. Жаҳонгиршоҳ «Намойи зебойи Жаҳонгир» тазкирасида, бу шеърларни чуқур мутолаа қилиб, уларни юксак қадрлайди. Шоҳ Имомқулихонни ҳам ёд этиб, юксак мартабали амалдорларини бизнинг хузуримизга юбориб турсин, деган истакни ҳам билдиради. Ҳатто, Мутрибийнинг ўзини ҳам оиласи билан Бобурийлар ҳузурига кўчиб келишини хоҳлаб, шоҳ 2000 рупий пул ажратганлигини маълум қилади. Бироқ, кексайиб ватанини қумсаган Мутрибий бу илтимосга кўнмайди. Бундан кўринадики, бобурийлар Ўрта Осиёлик ҳар бир талантли кишини ўзига чорлаб, салтанатни гуллаб-яшнатиш тадорикида бўлади. Юқорида Жаҳонгиршоҳ тилга олиб қадрлаган Жўйбор хожалари бутун шарқда бекорга эъзозланиб келинган эмас.

Рус олимлари Вяткин ва Ивановлар «Абдулланома», «Матлаб ул-толибин», «Равзат ар-ризвон» каби асарларга суяниб, бобурийлар иззат-икром қилган Тожиддин Ҳасан ва Абдураҳим хожалар тариқат шажараси бўйича ота томондан Хўжа Аҳрор, Баҳовуддин Нақшбанд, Юсуф Ҳамадоний, Боязид Бистомийдан тортиб, Муҳаммад пайғамбаргача етиб борганлигини аниқлайди. Бу асилзодаларнинг она тарафдан қондошлиги Чингизхон авлодига келиб туташтирилган. Шу жиҳатдан Жўйбор хожалари, ҳатто Сомонийлар даврида ҳам эъзозланиб, муҳим шариат ва тариқат поялларини эгаллаганлари маълум.

Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» (XI аср) асарида келтирилишича, Жўйборий хожаларидан Абубакр Аҳмад Ҳалокухон томонидан юксак даражада қадрланиб, унга «Нақиб ул-муқабо» деб ном берилган. Нақиб сўзи луғатларда бирор жамоа ёки қабиланинг эътиборли кишиси сифатида тилга олинади. Чингизхон ҳам ўз даврида Абубакр Аҳмадга бутун Бухоронни суюрғол сифатида тортиқ қилгани айтилади. Жаҳонгиршоҳ тилга олган Абдураҳим хожа, ҳатто унинг набиралари Муҳаммад Боқир хожа, Абдулла хожалар ҳам аштархонийлардан Абдулазизхон, Субхонқулихон ва Убайдуллахонлар даврида шайхулисломлик, муфтийлик мансабларида турганлар. Қисқаси, асилзодалик – нақшбандия хожагон тариқатидаги юқори мавқеи, мол-мулк, сиёсий нуфуз ва мусулмонлар устидан ҳукмронлик қилиш учун бир восита бўлган. Бобурнинг «Бобурнома»сидан маълумки, унинг отаси Умаршайх ва унинг ўзи ҳам Жўйбор хожалар сулукига кирувчи Хожа Аҳрори Валийга пир деб қўлган берган. Бобур Хожа Аҳрорни тушида кўриб ўз мушкулини осон этгани учун унинг «Волидия» деб аталган асарини шеърий таржима қилган. Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат ар-ризвон» китобида ёзишича, Абдураҳим хожанинг бобоси Хожа Саъд она томондан Муҳаммад Туман манғитнинг набираси бўлган. У 1470-1506 йилларда Ҳусайн Бойқаронинг амирул умароси бўлган. Бу бадавлат шахс ўз қуёвининг мавқеи, мартабасини кўтариш учун Хуросондаги катта ермулкини Муҳаммад Исломга мерос қилиб берган. Бу ҳақдаги ҳужжат Султон Ҳусайн, Бадиуззамон, Музаффар Ҳусайн ва амир Алишер Навоий муҳрлари билан тасдиқланган. Қизиғи шундаки, ана шу ҳужжат 1588 йилгача ҳам йўқолмай сақланиб, уни Хожа Саъд Бухоро хони Абдуллахонга кўрсатиб, янгидан кучга киритади.

Демак, Жўйборий хожаларнинг мол-мулклари ҳам авлоддан авлодга ўтиб турган. Мовароуннаҳр ҳукмдорларининг бири, шу жумладан бобурийлар сулоласи ҳам ҳар бир жангу жадалда ғалабадан сўнг Жўйбор хожаларига катта ер-сувларни суюрғол ёки улуфа тарзида тортиқ қилиб туришган. Хон ва бекларнинг Жўйбор хожаларига андак беодобликлари ҳам улар томонидан кечирилмаган. Жумладан, 1728 йилларда Абдураҳим хожа қариндоши, Бухоро хони Имомқулихон билан ораларига совуқчилик тушгани учун шайхулисломлик лавозимидан кечиб, Жаҳонгиршоҳ ҳузурида бўлади. Шоҳ унга ғоятда катта эҳтиром кўрсатиб, қимматбаҳо гавҳар, лаъл, ақиқ, забаржад ва бошқа тилла тақинчоқлар, тилла камар, ханжар ва катта миқдорда пул тақдим этади. Ҳатто, Жаҳонгиршоҳнинг хотинлари ва бир қанча олий мансабдорлар ҳам 10 минг рупиядан пул иньом этганлар. Бир вақтлар Бобур ҳам Ҳазрати Маҳдумий Аъзам (вафоти 1544) номи билан машҳур бўлган Хожагон Қосонийга бир бўлак олтин нуқрасини ниёз тариқасида юборгани маълум. Бу маълумотни Ҳасанхожа Нисорий ўзининг «Музаккири аҳбоб» тазкирасида эслатиб, совғага қўшиб юборилган бир қитъасини ҳам келтириб ўтади:

Дар ҳавоий нафси гумроҳ умр зое кардаем,
Пеши аҳруллоҳ аз атвори ҳуд шармандаем.
Як назар афкан ба сўи мо, ки аз роҳи вафо,
Хожагайро мондаем, хожагийро бандаем.

Бобур бу мисрада адашган нафс ҳавасида умрни зое қилиб, тариқат аҳли олдида уятли бўлганлигини, лекин шундай бўлса ҳам хожага вафодорлик билан маҳкам боғланганлигини таассуф билан эслаётир.

Жўйбор хожаларига Эрон, Мозондарон ва Қашқар томонлардан ҳам совғасаломлар оқиб келган. XVI асрда яшаган Муҳаммад Толибнинг таъкидлашича, 1563 йилда Ёрканд хони Абдурашидхон Жўйборий-ларга атаб олтин ёмбиларини юборган. Бу бадавлат Жўйборийлар билан кўпгина хон ва беклар қариндошлик ришталарини боғлашга интилганлар. Масалан, Имомқулихон ўз синглисини Тожиддин Ҳасанхожага узатган. Ёки Муҳаммадхоннинг опаси Тожиддин Ҳасаннинг иниси Абдихожанинг рафиқаси бўлган. Абдулазизхон эса ўз қизини Абдураҳим хожанинг набираси Ёқубхожага берган. Шундай қилиб, Жўйбор хожалари катта суюрғолларга эга бўлганлар.

Жаҳонгиршоҳ ва унинг ўғли Шоҳ Жаҳон (1628-1657й) билан алоқани мустаҳкамлаш, улардан керак пайтда мадад сўраш Имомқулихонинг ўғли Нодирмуҳаммад даврида ҳам давом эттирилан. Масалан, Нодирмуҳаммад 1645 йилда Балхда ўз ҳукмдорлигини юритаётган бир пайтда унинг ўғиллари Абдулазиз ва Субхонқулихон унга бўйсунмай қўзғалдилар. Ака-ука биргаликда Бухоро билан чегараланиб қолмай, Балхни ҳам ўз тасарруфларига олиш учун ҳаракат қиладилар. Чорасиз қолган ота Балх аҳлсизлигини сақлаш ниятида Шоҳ Жаҳондан кўмак сўрайди. Балх маълум бир вақт Ҳинд лашкарлари томонидан забт этилади.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди
(Давоми бор)

(Боши ўтган сонда)

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Марказий қўмитанинг собиқ раиси Иброҳим Абдуғаниевга падари бузруквори **ҲОЖИ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар енгил, мебел ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма кенгаши, Тошкент шаҳар хокимияти якка тартибдаги иморатларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Музаффар Холматовга ўғли **ДАВРОНБЕК**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Нуристон шаҳарчасида «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасининг ишчи-хизматчилари истиқомат қилади. Шаҳарча йилдан-йилга кўркамлашиб, гўзаллашиб бораяпти. Айниқса, кейинги йилларда амалга оширилган кенг миқёсдаги ободонлаштириш ишлари шаҳар кўркига янада кўрк қўшди.

Шавкат СУЛТОН
олган сурат

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 016 1 2 3 4 5 6